
ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ЖАМЛАМАСИ ТОПШИРИЛДИ

9-мактабда 216 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқитувчилар таълим сифатини оширишда ўқувчиларга турли хил замонавий методлардан фойдаланиб келишмоқда. Мактабда таълим сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Жорий йилда мактаб ўқувчилари олий ўқув юртарига талабаликка қабул қилиниши бўйича туманимиздаги 41 та мактаб ичида бешинчи бўлганлиги бунинг яққол исботидир. Шунингдек, мактабда бир нафар ўқувчи – Маҳаммадjon Муҳаммадjonов уй мактаби тарбияланувчиси. Ҳозирда у 7-синф ўқувчиси бўлиб, мактаб масъуллари ва ўқитувчиларнинг доимо эътиборида. Ўқитувчилар яқка тартибда билим бериб келишмоқда. –Ўқувчимиз ёши улғайиб, тенгқурлари билан танишиб, суҳбатлашиб, билим олишни истади, – дейди мактаб психологи Юлдузxon Мирзақулова. – Уйи яқинлиги боис хоҳлаган вақтида мактабга чиқади. Тенгқурлари қатори билим олиши учун шароитлар яратиб берганмиз. Юртимизда яқка тартибда таълим олаётган жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Маҳаммадjonга халқ таълими бўлими томонидан берилган ўқув қуроллари жамламаси мактаб масъуллари томонидан топширилди. Ўқувчи унга берилаётган эътибордан жуда хурсанд бўлди. Раҳмат айтди. Раҳматилло ШОДМОНОВ. ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ
2022-11-14 12:14:06